

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Самимий қўтловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!
Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини қадим Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланган муносабати билан чин қалбдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мен Ўзбекистон Республикасида Хитой Халқ Республикасининг элчиси бўлиб ишлаган пайтда Самарқанд шаҳрини кўп бор зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганман ва ҳар гал ушбу гўзал шаҳар мени қайта-қайта мафтун этган.

Шарқ гавҳари бўлган ушбу қадимий шаҳар Сизнинг бевосита эътиборингиз ва ғам-хўрлигингиз туфайли тобора гуллаб-яшнамоқда, ўзининг улкан салоҳиятини, гўзал ва бетакор қирраларини намойиш этмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек заминининг бой маданий ва тарихий меросини асраб-авайлаб келаётган мамлакатингизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига нечоғли улкан ҳисса қўшаётганидан яна бир яққол далолатдир.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистонга Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг вакили сифатидаги ташрифим чоғида давлат қурилиши ва юртингизнинг янада ривожланиши ҳамда равақ топшиш учун асос бўладиган халқаро алоқаларни йўлга қўйишда мамлакатингиз эришган муваффақиятларга яна бир қарра гувоҳ бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сihat-саломатлик, Самарқанд шаҳрига боқий кўрку тароват, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тиллашга ихозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

Гао ЮйШЕН,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош қотибнинг ўринбосари, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига!
Сизга Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ўз табригимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этди. Сизнинг ушбу қадимий ва навиқрон шаҳарда туғилганингизни билганим сабабли ҳам бу мен учун янада қувончлидир.

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд шаҳри азалдан маданият, илгор илм-фан ютуқлари ва савдо йўллари равақ топган марказ сифатида Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини ўзида бириктириб келган. Япон халқи Буюк Ипак йўли билан Япония ўртасида тарихий алоқалар ўрнатилишига улкан ҳисса қўшган ушбу қадим шаҳарга нисбатан ҳамisha алоҳида ҳурмат ва самимий соғинч туйғулари ҳис этиб яшайди.

Мен 2002 йилда Самарқанднинг Регистон майдони, Бибихоним масжиди каби тарихий ёдгорликларини, бутун дунёга машҳур бошқа меъморий обидаларини кўрганимда, борлигини чексиз қувонч ҳамда завқ қўлаб олганини яхши аслайман. Япониянинг қўлаб фуқаролари ҳам ушбу ёдгорликларини кўриш иштиёқи билан яшайди.

Ишончим комилки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигининг кенг нишонланиши турли

халқларни бу боқий шаҳарнинг буюк тарихий мероси билан янада яқинроқ таништиришга хизмат қиладиган муҳим воқеага айланади. Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сihat-саломатлик ва хотиржамлик тилайман. Камоли эҳтиром билан,

Йоширо МОРИ,
Япониянинг собиқ Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига!
Сизни бутун дунёга машҳур ва Сиз учун азиз бўлган тарихий Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи билан чин қалбдан табриклашга ихозат этгайсиз.

ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, қадимдан Буюк Ипак йўли маркази, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳасида жойлашган Самарқанд илм-фан, маданият ва савдо ривож топган шаҳар сифатида машҳур бўлган. Самарқанд шаҳри Япония учун муҳим боғлаб турувчи йўл ҳисобланган. Бу йўл орқали эса бизнинг мамлакатимизга Буюк Ипак йўли цивилизацияси кириб келган. Ҳозир ҳам Самарқанд японияликлар қалбидан даврларни тарихий боғлаб турувчи азим шаҳар сифатида чуқур жой олган.

Қўлаб японияликлар ушбу тарихий муносабатларни ўрганиш мақсадида Самарқандга ташриф буюрмоқдалар, унинг меъморий ёдгорликларини чиройи ва маҳобатидан ҳайратга тушмоқдалар.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари муваффақиятли ўтишига, бу воқеа жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига кенг жалб қилишига, Самарқанд шаҳри эса келгусида ҳам башариёт цивилизациясини ривожлантиришда ўзининг тарихий ролини давом эттиришига қатъий ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сihat-саломатлик ва хотиржамлик тилайман. Камоли эҳтиром билан,

Масажиро ШИОКАВА,
Тоё университет ректори, Япониянинг собиқ молия вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийларига!
Сизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан чин қалбдан табриклашга ихозат этгайсиз. Сизнинг тақлифингизга биноан мен зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган Самарқанд Рим сингари жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Шубҳасиз, 2750 йиллик тарихга эга бу шаҳар, том маънода, инсоният бунёдкорлик қудратининг дурдонасидир. ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши ислом дини меъморийлиги ва маданиятининг маҳобатли ёдгорликларини нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яққол исботидир. Аслида бундай юксак ҳурмат ва эътироф ҳам бу қадимий шаҳарни том маънода жаҳон маданиятлари ўзaro туташган масканга айлантираётган ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлигини ўзида муҳасам этган Самарқанд шаҳри ва мустақил Ўзбекистон ҳақида тўла тасаввур бера олмайдир.

Эзгу тиллақлар билан,

Клаус МАНГОЛЬД,
Немис иқтисодиёти Шарқий қўмитаси раиси

Халқимизда қандолатчилик маҳсулотларига доимо эътиёж катта. Шаҳрихон шаҳрида яшовчи хусусий тадбиркор Дилошбек Қурбоннов ташкил этган қандолатчилик цехида 30 хилдан зиёд шу турдаги маҳсулотлар тайёрланади. 15 киши иш билан таъминланган мазкур цехда ишлаб чиқарилган ширинликлар сифати, чиройли қадоқланганлиги билан харидорлар эътиборини тортаяпти.

СУРАТДА: хусусий тадбиркор

Дилошбек Қурбоннов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Андижон вилояти



Самарқанднинг жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни

Инсоният цивилизациясининг қадимий бошиқларидан бири бўлган юртимизда ўтмишда сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар ривожига муҳим ўрни тутган қўлаб шаҳарлар шаклланган. Самарқанд ана шундай қадимий шаҳарлардан биридир.

Самарқанд шаҳрининг инсоният цивилизацияси тараққиёт тарихида тутган ўрнига бағишланган халқаро илмий симпозиумнинг очилишида шу алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу илмий анжуманда мамлакатимиздан ташқари Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Япония, Франция, Россия, Қозғистон, Хитой, Швейцария, Миср сингари қўлаб давлатлардан ҳам етакчи археолог, тарихчи, шарқшунос, манбашунос олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда бой ва бетакор тарихий меросини асл ҳолича ўрганиш, унинг алломиларимиз қолдирган бебаҳо меросини қўз қорачиғи-



дай асраш ва келгуси авлодларга муҳамал ҳолда етказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамжамиятининг фаол иштирокида кенг миқёсда нишонланаётган қадимий шаҳарларимизнинг юбилей тадбирлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон илм-маърифат доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилда яна иккита ана шундай улкан сана - дунёнинг энг қадимий ва навиқрон шаҳарларидан бўлган Самарқанднинг 2750 ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш асносида шаҳар-

да салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозиргача ўнлаб илмий монографиялар, рисоалар, плакатлар, буклетлар чоп этилди.

Симпозиум доирасида "Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни" мавзусидаги илмий тўплам тақдироти ўтказилди. Ундан ўзбекистонлик ва хориқлик археолог, тарихчи, шарқшунос, манбашунос олимларнинг илмий маърузалари ўрин олган.

26 майга қадар давом этдиган мазкур анжуманда "Самарқандда шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналарининг илк шакллари", "Самарқанд Буюк ипак йўлида: халқаро савдо", "Марказий Осиё Амир Темир ва темирлар даврида. Мирзо Улуғбекнинг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссаси", "Самарқанд манбашунослиги ва топонимикаси", "Самарқанд тарих чорраҳаларида. Этномаданий алоқалар", "Ўзбекистон фани ва маданиятининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни" сингари мавзуларда мамлакатимиз ва хориқлик таълиқли олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларга оид маърузалар тингланди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Куннинг муҳим воқеалари

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси Мир Ҳазархон Бижароний раҳбарлигидаги парламент делегацияси 24 май кунин Олий Мажлис фаолияти билан танишди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор компания ва уюшмаларда музокаралар ўтказди.

● Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида Машрабхонлик ҳафтаси ўтказилмоқда.

● Пойтахтимизда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматларо қўша комиссиясининг мажлиси бўлиди.

● Бухоро шаҳридаги ихтисослашган спорт мажмуида олий лига жамоалари ўртасида чим устида хоккей бўйича мамлакат чемпионати низоҳасига етди.

● Пойтахтимизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош врачларининг йиллик анжумани ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Тиллашиш ва тараққиёт жамғармаси билан Чехия Экспорт банки ўртасида икки мамлакатнинг сармоявий ва молиявий ҳамкорлигини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

● Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё давлатлари чавандозлари ўртасида оғ спорт бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг иккинчи босқичи якунланди.

● Жиззах шаҳридаги Хотира хийбонида Ватан олдидаги йигитлик бурчининг ўташга қиришган аскарларнинг қасамда қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Пскент туманидаги Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли "Тонг" оромгоҳида ёз мавсумида болаларни соғломлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Мирзачўл туманида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ижобий ишларни оммалаштиришга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.

Қишлоқларда учрашувлар

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси меҳнаткашлар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида қўпчиликка манзур келадиغان тадбирлар ўтказмоқда. Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқларимизда фаолият юритаётган пиллакорлар етиштирган ҳосилни йиғиштириб олмақдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ижодий гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда пиллакорлар ҳузурида бўлишиб, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишмоқда. Мазкур тадбирлар лардаги пиллакорлар ҳона-қишлоқ фуқаролар донларида, йиғинлари ҳудудларида, дала шўйпонларида, қишлоқ марказларида ташкил қилинмоқда.

Яқинда маънавият, маданият ходимлари, санъаткорлар, актёрлар ва шоир-ёзувчилардан иборат ушбу гуруҳ Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг бир қатор қишлоқларида бўлишиб, пиллакорлар билан учрашувлар ўтказди.

—Мана шундай тадбирлар кўпроқ бўлса, — дейди сирдарёлик пиллакор Энахон Носирова. — Чунки, тўғриси айтиш керак, ишдан вақт ажратиб, шаҳарга театрга ёки концертга борилаймиз. Бугунги учрашувда санъаткорларнинг концерт дастурлари кайфиятимизни кўтариб, қўчимизга-қўқўшиди. Ўзимиз ҳам маза қилиб рақсга тушдик.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилаётган бундай тадбирлардан ҳали қўпчилик баҳраманд бўлиши шубҳасиз.

Ханифа ЗОКИРОВА



Об-ҳаво қандай бўлади?

Бу йил баҳор салқин келди. Май ойи тугаб бораётган бўлса-да, ҳамон негадир ёзнинг жазираси иссиғини эслатувчи кўш тафти сезилмаяпти. Ҳўш, келгуси беш кунликда об-ҳаво қандай бўлади?

Республика гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, ушбу беш кунликда мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кутилмоқда. Ёнингарилик бўлмайди. Шамолнинг тезлиги шарқдан 5-10 метр секундни ташкил этади. Харорат кундузи 27-32 даража иссиқ, кечаси 13-18 даража илқ бўлади. Жанубий ва чўл минтақаларида харорат кундузи 30-35, кечаси 15-20 даражагача кўтарилиши мумкин.

Тоғли туманларда ҳам ушбу кунларда ўзгарувчан об-ҳаво бўлиб, ёнингарилик кутилмайди. Харорат кундузи 18-23 даража иссиқ ҳамда кечаси 7-12 даража илқ бўлади.

Янги нашр

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги яна бир нашр "Ахбороткоммуникациялар: Тармоқлар. Технологиялар. Ёчимлар" деб номланган илмий-техник журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.


Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази муассислигида ташкил этилган ушбу нашр ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқасини ривожлантириш муаммолари, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатиладиган янги хизмат турларини жорий этиш масалаларини ёритади.

Журналда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини илмий-техникавий ривожлантиришнинг турли йўналишлари, амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва тақриб-конструкторлик ишлари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида етакчи компания ҳамда фирмаларнинг ютуқлари ва илгор тажрибаларини тарғиб этишга кенг ўрин берилди. Шунингдек, ушбу соҳада фаолият юритаётган аспирантлар, тадқиқотчилар, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг мақолалари чоп этилади.

Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади. Таҳририят етакчи илмий муассасалар ва хориқий ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

"Ахбороткоммуникациялар: Тармоқлар. Технологиялар. Ёчимлар" журналы йилга тўрт марта чоп этилади. У 2008 йилдан бошлаб, обуна бўйича тарқатилади ва чакана савдо шохобчаларида сотилади.

(ЎзА)



2 Оламда нима гап?

– Электр назоратчиларининг иш шариоити бошқа тармоқ ходимлариникидан мутлақо фарқ қилади. Ҳар қандай шариотидан қатъи назар, тоғ ва қўлларда, очик даладарда иш олиб бориш зарурати туғилади. Бундай вазиятда меҳнат қилишнинг ўзига яраша мураккабликлари юқийинчиликлар бор. Лекин шундай бўлишига қарамайдан, ўз ишининг устаси бўлиб танилган назоратчилар юқори вольтли электр линиялари орқали электр токини доимий тарзда истеъмолчиларга етказиб беришмоқда, – дейди Навоий вилояти электр тармоқлари очик акциядорлик жамияти бош директори Яхши Ҳожиёв. – Бироқ, шундай бўлишига қарамайдан, сўнгги пайтларда баъзи бир ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда айрим кимсалар томонидан электр энергиясидан гайриқонуний фойдаланиш, уни талон-торож қилиш ва фойдаланган электр энергияси учун ҳақини ўз вақтида тўламаслик сингари ҳолатлар ортиб бормоқда.



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларидир. Ана шу қарорларда белгилаб берилган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида Навоий вилояти электр тармоқлари очик акциядорлик жамиятида ўтган йилнинг ўзид алоҳида буйруқлар чиқарилиди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар иккала қарор бўйича алоҳида ишчи гуруҳлари тайинланиб, уни бажариш мuddати ва бажарилиши учун масъул бўлган шахслар белгиланди. Акциядорлик жамиятида ҳозирги кунда 75 та 220-110-35 кВтлик йирик подстанциялар мавжуд.

– Ҳаммамиз яхши биламиз, электрга

энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш йўл-йўриқлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат доирасида амалга оширилаётган тўловлар тўлов интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунга қарамай, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, унинг ҳақини тўлашда депсиниш ҳолатлари ҳам мавжудлиги кузатишмоқда. Турган гапки, бундай корхона, ташкилотлар электр тармоқидан ўзлаштирилган ҳужжатлар зарур чора қўриш учун давлат солиқ инспекциялари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилаётди.

Электр энергиядан қарзини ўзиш брасида гирромлик қилаётганлар Навоий вилоятида ҳам қўллаб топилади. Масалан, Навоий тоғ-металлургия комбинати 151,5 миллион, “Навоийазот” 6 миллиард, Янгиобод йўлдан фойдаланиш бошқармаси 4,6 миллион, “Амантай-тау” қўшма корхонаси 1,1 миллион, Қармана туманидаги “Ҳамкорлик” фермер ҳўжалиги 17,4 миллион, “Махмуд бобо” фермер ҳўжалиги 18,2 миллион, “Зебо Содирова” фермер ҳўжалиги 5,8 миллион, “Азизжон-Гулсара” фермер ҳўжалиги 3,7 миллион, Хатирчи туманидаги Эшмиров Мирзаев номида фермер ҳўжалиги 2,6 миллион сўм қарздор.

Мазкур ташкилотлар раҳбарларидан

Энергетика раванқи

қўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи муносабатларига боғлиқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Электр, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу борада амалга ошириши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг соҳага тегишли бир қатор қарорларида ҳам мазкур масалага алоҳида тўғрисида ўтилган. Ҳўш, бу қарорлар вилоятда нечоғли бажарилишмоқда? Истеъмолчилар электр энергиясидан белгиланган тартибда фойдаланишмоқдами?

Яхши Норовичнинг айтишича, мутасадди республикамизнинг энергетика тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга жамиятнинг қўпсонли нурчилари ўзининг мўносиб ҳиссаларини қўшиб келаяпти. Шу билан бирга, электр тармоқлари корхонамизга минтақа халқ ҳўжалигига, саноат корхоналарига, аҳолига ўзлуксиз ва сифатли электр энергияси етказиб беришдек шарафли ва машаққатли вазифа юклатилган. Бу вазифани адо этишга ўз ишининг устаси бўлиб танилган, тажрибали назоратчилар, муҳандислар жалб этилган. Мақсад — истеъмолчиларга доимий тарзда электр энергияси етказиб бериш.

Аслида, корхона ва қурилишларнинг гуркиришига, дала ва боғларнинг гуллаб-йўналишига хизмат қилувчи ток айланиш чоғида қўшма корхона хатари ҳамдир. Унинг олдини олиш бизнинг тизимда ниятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.


– Яқинда назоратчилар билан чекка овуллардан бирини айланиб юриб, қизик бир ҳолатга дуч келдик, – дейди суҳбатдош. – Маълум бўлишича, биз борган хонадондаги томорқа ичидан юқори қучланишли электр линияси ўтган экан. Энг ёмони, симёғочдаги симлар пастга тушиб, қучалашиб ётибди. Ундан сал нарида учтўрт нафар бола ўйнаб юрибди. Худо кўрсатмасин, бирор бир бахтсиз ҳодиса рўй берса, нима бўлади, деб хонадон соҳибига юзландик. У кишининг эса паровий палак. “Э, ака, ҳеч нарса бўлмайди, кўнглингни хотиржам бўлсин”, дейди. Мен истеъмолчи “Бундан кейин шундай ҳолат содир бўладиган бўлса, эҳди билан шу яқин орадаги электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилинг. Акс ҳолда... кўнглисизлик бўлиб бериши мумкин”, деб қайта-қайта ўқирдим. Ният, хонадон соҳиб масала муоиятини аниглаб етди. Бундан кейин шундай ҳолатга йўл қўймаслиққа бизни ишонтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда айланиб электр энергияси билан боғлиқ иккита муҳим қарор чиқарилган. Булар “Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш механизми тўғрисида”ги қарор ва “Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланиши ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан

ҳаёт учун бирламчи зарурат даражасидаги бекибс мўйжиза сифатида қаралади. Ўзидан фан ва техника тараққийоти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамият ва оиланинг майиш турмушида фаровонлик бўлиши, – дейди бош директори Яхши Ҳожиёв. – Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Электр, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу борада амалга ошириши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг соҳага тегишли бир қатор қарорларида ҳам мазкур масалага алоҳида тўғрисида ўтилган. Ҳўш, бу қарорлар вилоятда нечоғли бажарилишмоқда? Истеъмолчилар электр энергиясидан белгиланган тартибда фойдаланишмоқдами?

Лафз

маси тасдиқлаган “Электр тармоқлари ва қурилишларни ҳимоя қилиш қоидалари”га оғишай амал қилиш бешакат ишла-



шимизнинг асоси бўлмоқда. Корхонадаги барча масъул ходимларга “Меҳнат муҳофазаси” қўнунига амал қилишлари мажбурий эканлиги етказилган.

Бир сўз билан айтганда, “Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан иш ташкил этиш қоидалари”га (2002 йил 10 сентябрь) қатъий амал қилинмоқда. Иш жойларида зарур бўлган ҳимоя воситалари барча объектлар бўйича бирма-бир қўриб чиқилиб, таҳлил қилинид ҳамда етишмайдиган қисмини тўлдирши учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Электр энергияси ўғирланиши, ҳисоблагич кўрсаткичларининг нотўғри ақ этирилиши, ўзатиш тармоқларига рухсатсиз ўланишнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ва туман прокуратураси, “Ўздавэнегроназорат” ҳудудий бўлими ходимлари билан биргаликда қўшма рейдлар ташкил қилинмоқда. Текширишлар натижасида қўллаб ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги ошиб кетганлиги аниқланди. Натижада, ушбу ташкилотларга электр энергияси бериш тўхтатилди.

Навоий вилояти саноатлашган ҳудуд қисмбанди. Бу ерда ҳозир қўллаб корхоналар фаолияти кўрсатмоқда. Вилоят электр тармоқлари корхонаси айлани паллада 137 миң нафар истеъмолчи хонадонлар ҳамда 2100 та юридик истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаб келаяпти. Бир ой давомида истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган қарориди электр

электр энергияси учун тўлаган маблағи 46476,9 миллион сўмини ташкил этди. Аҳоли ўртасида, йиғинларда коммунал тўловларни вақтида тўлаш зарурлиги ҳусусида суҳбатлар ўтказилмоқда. Тўлуштиришлар олиб бораётиб. Ва табиийки, бу ўз самарасини берапти.

Нурчилар ишида тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти жудаам катта бўлмоқда. Энергетиклар истеъмолчилар ҳузуридида бўлганда, ўзига хос тарғиботчи вазифасини ҳам адо этиб келмоқдалар. Боиси, ток билан ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган оддий иш эмас, у ниятда хавфли ва фақат мутахассиснинг вазифасидир. Бунини аниқса, уйда ва ишончасида ўзбошимчилик билан монтерлик қилаётган шоввалар яхши англаб етишлари керак. Бу борада эҳтиёт бўлишнинг асло зиёни йўқ. Электр фақат яхши қўлларда хизмат қилсин, ундан энергетик ҳам, истеъмолчи ҳам асло шиканланмасин. Энергетикларнинг асосий вазифаси ҳам аслида шундан иборат.

Сирасини айтганда, Навоий вилояти электр тармоқлари очик акциядорлик жамияти назоратчилари мавжуд подстанциялари, трансформаторлари кузги-қушқи масъул соғлаш юмушлари билан банд. Биз ҳам хонадонларимизнинг доимо қарогон бўлишини таъминлаб келаятган нурчиларнинг келгуши ишларига омад тилаймиз.

Улғубек ЖУМАЕВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Навоий вилояти

Пахтакорларнинг галдаги юмушлари

Улар нималардан иборат? Замин соҳиби буларни қандай бажариши лозим?

Ўза бошқа бир қанча экинлардан фарқли равишда, тупроқ таркибиди озуқани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Унинг озуқа моддаларига нисбатан талаби нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир. Ўза азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарлича, ўза вақтида озиклантиришга, ҳосилдорлик 25-35 ва ундан ҳам қўп центнерга етади.

Бу экин дастлабки ривожланиш босқичида азотнинг 40-50, фосфорнинг 15-20, калийнинг 30-40 фоизини ўзлаштиради. Ўзанинг ривожланиш босқичларида озуқа моддаларига бўлган талаби ўзгариб туради. Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, мuddати, ишлатиш усули, озуқа моддаларининг ўзаро муносабатларини билиш катта аҳамиятга эга. Дастлабки чинбардан биринчи шох шаклланингача экин қўшимча азот ва фосфорга ниятда эҳтиёж сезади. Биринчи шохдан гуллаш бошлангунча ўзанинг азот ва калийга бўлган талаби ортади. Гуллаб бошлагач, яна азот ва фосфорга эҳтиёж қуяди.

Шуларни ҳисобга олиб, ўсиш ва ривожланишнинг асосий босқичларида азот, фосфор, калийнинг ўзаро нисбатларини 1:0,7:0,5 тарзда бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийнинг йиллик меъёрига нисбатан 50-60 фоизи шудорлаш экин олдидан, қолган қисми ўзани

озиклантириш пайтида берилиши зарарда тутилади.

Айрим фермер ҳўжаликлари ерга азот солишга кўпроқ эътибор беришиб, бошқа ўғитларнинг аҳамиятини тўғри баҳоламайдилар. Ҳолбуки, ўзанинг фосфор ва айниса, калийга бўлган талаби қондирилмаса, ҳосилдорлик ҳамда хом ашё сифатига зиён етади. Бир тонна пахта хом ашёси тупроқдан 50 килограммдан азот, калий ва 20 килограмм фосфорни ўзлаштиради. Пахтачилик илмий-тадқиқот институтиди олиб бори-

ган тадқиқотларда, ўза меъёрида озиклантирилганда, ҳар бир чанокнинг ўртача оғирлиги 6-7 граммни ташкил этди. Калий тақил бўлганда, оғирлиги 4-4,5 граммдан ошмади, устига-устак, толаннинг пишклиги, уруғнинг мойлилик даражаси пасайди.

Калийнинг яна бир хусусияти шундаки, у ўза ўсиш тўқималарининг чидамиллигини оширади, модда алмасишуви жараёнларини яхшилаиди. Бундай ўғит билан етарли озиклантирилган ўсимлик қиска мuddатли кургоқчиликка бардошли бўлади. Бу модда етишмаган тақдирда эса экиннинг касалликларга чидамиллиги суяяди, асосий танасининг ўсиши тўхтаиди. Айниса, бўйин-

лар ўртасидаги оралиқ сезиларли даражада қисқаради, ўза барги тўқ яшил тусга қиради. Бу етишмовчилик қучайганда барглр сўлинкайидади. Шунингдек, гуллаш ва қўсаклаш жараёни бўзилади, ҳосилнинг етилиши ҳар хил бўлади. Ҳар гектаридан 26-30 центнер пахта ҳосили олиш учун гектарига 200 кг. азот, 140 кг. фосфор ва 100 кг.дан калий солиниши керак.

Шундан кейин ёки экин пайтида ўғит берилганини инобатга олиб, вегетация даврида: биринчи озиклантиришда (2-4 чинбарг чикарганда, янадан кейин) – ҳар гектарига 100 килограмм азот ва 100 килограмм фосфор (физик ҳолда); иккинчи озиклантиришда (шоналаш даври) 100 килограмм азот ва калий ўғитининг асосий қисмини, учинчи озиклантиришда (гуллаб бошлаганда) қолган азот ва фосфорни солиш талаб этилади. Минерал ўғитлардан ташқари фермер ҳўжаликларида гўнган тайёрланган компост бериш мақсадага мувофиқдир. Булар билан бир қаторда, калий ва фосфор етишмаган майдонларда тўла чиритиш, сўнгра қуритилган гўнни ўзанинг ўсув даврида минерал ўғитлар билан қўшиб ишлатиш ҳам яхши фойда беради. Шундай қилганда, ҳосилдорлик гектарига қўшимча 2-3 центнерга ортади.

Р.НАЗАРОВ,
қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими.

Хабарлар

Янги қўшма корхоналар

ТАХИАТОШ шаҳрида терини қайта ишловчи, Низом жағармаси 550 миңг АҚШ долларига тенг Ўзбекистон-Хитой “Комерина” ҳамда бўян томирини қайта ишловчи, 38,2 миңг АҚШ долларига тенг Низом жағармасига эга “Хадянинг-Нукос-Лакрица” қўшма корхоналарининг қурилиш таъмирлаш ишлари якунланди.

150 киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган бу қўшма корхоналар жорий йилнинг иккинчи ярмида ишга тушиши кутилмоқда. Шунингдек, шу ердаги “ЮМИР” хусусий фирмасида 100 дан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлаш имкониятига эга тикув ва килород цехлари очилмоқда.

Хидоят АХМЕДОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.
Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбек талабаси – халқаро танлов ғолибаси

Жанубий Кореянинг Кёнг Хи университетиди хорижликлар учун корей тили бўйича халқаро танлов бўлиб ўтди. У “Ойла” ва “Корей маданияти билан танишиш тажрибаси” мавзулари бўйича ўтказилди. Тадбирда жаҳоннинг 27 мамлакатидан вақил бўлган 873 нафар қатнашчи, жумладан, Кёнг Хи университетиди таҳсил олаётган чет эллик талабалар ҳам иштирок этди.

Кёнг Хи университетининг ўзбекистонлик талабаси Наталья Ким “Ойла” мавзуи бўйича танлов ғолибчилигини қўлга киритиб, Корея Республикаси маданият ва сайёҳлик вазирлигининг қимматбаҳо совғасига сазовор бўлди.

“Жаҳон” АА

Сеул

“Туронбанк” мададига таяниб

Янги иш ўринлари яратилмоқда

Одатда, банк тизимини иқтисодиётнинг қон томирига менгашади. Дарҳақиқат, молиявий тизимнинг ёрдамсиз ривожланиши қийин. Ҳар бир соҳа банк хизматига, қўллаб-қувватлашига, қўмағига эҳтиёж сезади.

– “Туронбанк”нинг Сирдарё

вилояти филиали ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуларни ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган амалдорлар асосида олиб бормоқда, – дейди филиал бошқарувчиси ўринбосари Одилов Нейматов. – Банкнинг филиалида жами 814 та миқжозга хизмат кўрсатилиб, улар таркибиди Қишлоқ ва Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидидаги йирик корхоналар мавжуд. Ушбу ташкилотлар вилоятимиз ҳамда қўшни вилоятларнинг ақуларни тўқималари ерларининг гидрометеорология ҳолатини яхшилаш борасида, жумладан, тек ва ёпиқ-ётиқ зовурларни таъмирлаш ва қуриш, шўр ерларини ўзлаштириш, насос станциялари қуриш ва таъмирлаш, умуман, қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби ишларни амалга ошира-



Хизмат

кредитлар ажратилган бўлса жорий йилнинг шу кунига қадар юқоридаги қарорга асосан 11 та кам таъминланган оилага 10760 миң сўм имтиёзли микрокредитлар берилган. Шу асосда Мирзабод туманидаги “Ерла бобо” ва Сардоба туманидаги “Тоғай ота” фермер ҳўжаликлариға имтиёзли шартлар асосида Россия давлатида ишлаб чиқарилган ВТ-150 занжирли ҳайдов тракторлари олиб берилди. Сайхунбод туманида жойлашган “Шерали ота” фермер ҳўжалигига лизинг асосида ДОН-1500 комбайни

сўмдан ортқ кредитлар ажратилди.

Банк филиалида Президентимизнинг “Банклардаги депозит ҳисоб рақамлардан нақд пул тўловларини ўзлуксиз таъминлаш қарорлари” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда миқжозлар биринчи талабидан нақд пул билан таъминлаш борасида ҳам қўпгина ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда банк миқжозларининг иш ҳақлари бўйича мuddати ўтган қарздорликлари мавжуд эмас. Миқжозларни ўзлуксиз нақд пул билан таъминлаш мақсадида филиалда нақд пул захираси ташкил этилиб, ўзлуксизларга йўл қўйилмади.

Миқжозларни нақд пул билан таъминлашда уларга қулайлик яратиш мақсадида, айниса, фермер ҳўжаликлариға нақд пул маблағлари уларнинг дала майдонига олиб бориб берилмоқда. Жумладан, 1 май ҳолатига 50 миллион сўмдан ортқ нақд пул маблағи фермер ҳўжаликлари ишчи-ҳодимларига етказиб берилди.

Жорий йилда миқжозлар ва аҳолининг банкка бўлган ишончини ошириш мақсадида уларга жोजабдор ва қулай омонат турлари тақлиф этилди. 2007 йилнинг шу кунига қадар уларга 403.118 миң сўм аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилинид ва омонатлар бўйича 3 миллион сўмдан ортқ фойз тўловлари тўлаб берилди.

Мавжуд 2 та минибанк ҳамда қатор мақсус қасасалар орқали аҳолидан 2007 йил давомида фойдаланилган электр энергия, газ, сув ва бошқа хизмат учун 75 миллион сўмдан ортқ коммунал тўловларни қабул қилиб, таъминотчи корхоналарга ўз вақтида тўлаб берилмоқда.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши қисқартириш ҳамда миқжозларға янги турдаги банк хизматларини тақдим этиш бўйича филиалда пластик қарточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини йўлга қўйилган.

Хуллас, “Туронбанк” Сирдарёда миқжозлар ишончини қозонган. Қундан-қунга уларнинг сони қучайиши бундан далолат бериб турибди.

Шомурод ХОЛИМҲОДОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Сирдарё вилояти.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Тошкент вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси қуйидаги объектларга танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 1-2:

ЛОТ-1. Капитальный ремонт школы № 8 на 250 ученических мест Кибрайского района Ташкентской области.

ЛОТ-2. Капитальный ремонт школы № 6 Зангитинского района Ташкентской области.

Қурилиш ишлари: бюджетдан ташқари мактаб жағмармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти “Тошкентсалтингстройторг” давлат унитар корхонаси.

Бюрогмаши манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй. Телефон/факс: (8371) 361-37-11.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва таш-

килотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларининг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк қарорномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишнотларда ишлаганлик тажриба ва қўнимчалар, шартномалар тўғрисида қарор қўлуқлиқ муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Тақлифлар (офферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган қундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

МИНСК БЕЛАРУС ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ “Беларус” ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “ТОЗА-ШАРОВ” шўба корхонаси ўз ҳудудий мақомида “ТОЗА-ШАРОВ” унитар корхонасига ўзгартирилмоқда. “ТОЗА-ШАРОВ” унитар корхонаси “ТОЗА-ШАРОВ” шўба корхонасининг ҳудудий вориши ҳисобланади ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Давлолар эълон чоп этилган қундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 157-75-79.

Манзилини: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.

Тел.: 151-20-33, 151-20-90.

факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

